

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТда ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ ЙИЛЛИК ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВЛАРИДА ҚАТНАШМОҚДА

2021 йил 17 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида “Ўқуматта бўлган ишончини тиклаш ва ривожланиш истикболларини яхшилаш учун коррупцияга қарши курашиш” мавзuida Парламентлараро Иттифоқнинг йиллик эшитуви видеоконференция тарзида очилди.

■ Хамкорлик

Парламентлараро Иттифоқнинг парламент эшитувлари Нью-Йоркда июнь ойида бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеясининг коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус сессиясининг Сиёсий декларациясини ишлаб чиқишга парламентларнинг ҳисса қўлиши учун мўлжалланган.

Тадбирда 60 дан ортиқ мамлакатлардан 200 га яқин иштирокчилар қатнашмоқда. Унинг очилишида Бош Ассамблеянинг 75-сессияси раиси Вўлкан Бозкир ва ПИ раиси Дуарте Пачеко сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, коррупция инсонларнинг

қонун устуворлиги ва давлат институтларига бўлган ишончини сусайтиради. Давлат ва хусусий секторлардаги коррупция тенгсизлиқни кучайтиради, соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда бошқа шу каби ижтимоий мақсадларга сарфланадиган Давлат бюджети маблағларидан маҳрум қилади ва барча одамларга фойда келтириши керак бўлган ривожланиш натижаларига путур етказди. Аёллар, камбағаллар ҳамда аҳолининг заиф қатлами коррупциянинг асосий оғирлигини кўтаради.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган асосий вазифалар ҳамда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш масалаларига бағишланган маслаҳат учрашуви ўтказилди.

■ Учрашув

Хабарингиз бор, Мурожаатномада Давлат дастури ижроси бўйича жамоатчилик иштироки ва назоратини кенг йўлга қўйиш, жумладан, “жамоатчилик эшитувлари” ҳамда “жамоатчилик мониторинги” тизимини жорий қилиш юзасидан топшириқлар берилган эди.

Шу билан бирга, 2021 йил 18 январь куни Президент раислигида ўтказилган йиғилишда ҳам қарорлар ижроси назоратининг энг самарали воситаси — жамоатчилик иштироки ва қурастуви эканлиги таъкидланди. Қолаверса, 10 февраль куни 2021 йилги Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган селектор йиғилишида ҳам масъуларга бир қатор мажбуриятлар юқлатилди.

Ушбу маслаҳат учрашувида жамоатчилик мониторингини олиб бориш, масъул идоралар томонидан маълумотлар тақдим этилиши ва улар-

нинг очиклиги бўйича кузатилаётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш тўғрисида сўз юритилди.

Хусусан, Давлат дастури ижроси муддатларига амал қилинмаслиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлса-да, қабул қилинмасдан қолиш ҳолатлари, ижро муддатлари узайтирилганлиги тўғрисида жамоатчиликка ахборот берилмаслиги каби камчиликларнинг мавжудлиги танқид қилинди. Ижро маданиятини ошириш, жамоатчилик олдида ҳисобдорликни кучайтириш, шунингдек, бажарилган ишлар, уларга сарфланган маблағлар ва бошқа маълумотларни расмий веб-сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини кенг қўллаш бўйича тавсиялар берилди.



■ Сенат қўмитасида

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

Кеча Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ишчи гурӯҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида қўрилиши кутилаётган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашларининг Қонунчиликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш доимий комиссиялари аъзолари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида онлайн тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳозирги кунда Конституциявий суд фаолияти 2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон

Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиб келинмоқда. Конституциявий судда иш юритиш процессуал қоидалари эса мазкур мақаманинг ўзи томонидан тасдиқланган Регламент билан белгиланган. Аммо аксарият мамлакатлар Конституциявий судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай қоидалар унинг ўзи томонидан эмас, балки қонун билан белгиланиши назарда тутилган. Чунки иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам улар қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши айна мундодир.



ФАРҒОНАНИНГ «ЛОЛА»СИ

Лола — гулларнинг маликаси. Нафис, гўзал, виқорли. Психологларнинг фикрига кўра, лола гулини ёқтирувчилар ўта уддабурон, мослашувчан кишилар бўлиб, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлар уларнинг иродасини буколмас экан.

Лола — гайратли, ўзига ишонган, унча-мунчани тан олмайдиган кишилар гули. Фарғоналик машҳур фермер Лолаҳон Муротованинг тақдир йўллари, кечмиши ва шахсига назар ташлаб, нафақат бу гулни севувчилар, балки исми Лола аталган аёллар ҳам шу сифатларга айна мос эканини англаб, ҳайратланаман. Ҳеч бир иш ҳикматсиз бўлмас...

■ Замонамиз қахрамонлари

Лола Муротова баъзан даласи ёки байрам тадбирларида атлас кўйлақда суратга тушганида, унинг нафис ва мунис қалбини ҳис этасиз. Аммо у бундай пўримиқдан ўнғайсизланади. Бир зумда ўзининг одми чит кўйлагини кийиб, бошига оқ дуррасини ўраб олади. Онасига ичккан боладек яна далалари қўчоғига ошқайди.

Лола оланинг пешонасига бир умр ерни ардоқлаш, элни севмишдек муқаддас юмуш ёзилган экан. У эсини танибдики, тупроққа талпинади. Она ерни саришта қилиб фароғат топади, гулу райҳонлар экиб ерни эъозлайди.

Шоирона таъбир билан айтганда, Лола Муротова Момо ер қизи. Унинг асл ва бебаҳо фарзанди. Ярим асрдирки, у ер қизини очади. Далаларга беқасам тўн кийдиради. Эрта кўкламда бир ҳровч тупроқни қафтида сикмилаб, ер уйғонишидан қалбида аллақандай кучни сезади. Бу — Ер севгиси. Ҳаётда унга ато этилган неъматларнинг энг авлоси — Ер.

Қадимги “Авесто” китобида янги ерларни ўзлаштирган деҳқон ҳуддики оила кўриб, бир этак фарзандлар тарбиялаган инсонга қиёсланган. Қақнус қушдай ўтда қўймас ирода соҳибаси ҳам ҳаётнинг турли синовли онлари,

тақдир зарбаларига дош бериб, комиллик мартабасига етишди. “Нурлибод” фермер хўжалигининг раҳбари бугун ушбу чўл ҳудудларни ўзлаштиришда, асосан, ўзи бош-қош бўлган 500 гектардан ортиқ ернинг мулкдори.

Ернинг ҳам жони бор, у ҳам эътибор ва парваришга муҳтож. Инжиқ баҳорлар, оловли ёзлар, совуқ қорлар унинг ҳолатини ўзгартиради. Баъзан шўрланади. Баъзан сувга ташна бўладис. Лолаҳон опа тупроқ тилини билгани учун уни қўлатишга, сўзлатишга ҳам қодир аёл. Пахтаси, галласи ҳамisha ҳосилга тўлиб пишишининг боиси шу.

Марказий Фарғона ерларида Қўқон шамоли йилнинг тўрт фаслида ҳам деҳқонга асло тинчлик бермайди. Шамол оч бўридек увиллаб, қум барханлари далаларга тўфон бўлиб сочилади. Булутлар подаси Мағрибдан Машриққа қадрар сел, жала ва ёмғирлари билан “сайр” қилиб ўтади. Ноқулай об-ҳаво элнинг ризқ-насибсини яратиш учун Яратганга туну кун илтижо қилишга ундайди. Машҳур фермер тупроқни яқинда ёриб чиққан рамақижон чигит ниҳолларини қафлари орасига олиб, “қўҳ-қўҳ”лаб исмтади. Бугдой бошқоқлари авжи ҳосил салмоғини ошириш даврида шамол ва ёмғир таъсирида ёнбошлаб



олади. Шу тариқа инсон ва табиат ўртасида ҳаёт-мамот кураши давом этади.

— Чўл ҳавоси жуда ҳам ўзгарувчан, — дейди Лола опа. — Кутилмаганда бўрон борлиқни ўз забтига олади, бир оздан сўнг челақлаб шаррос ёмғир қуяди. Бу ерларда кутилган ҳосилни олиш учун деҳқончиликнинг тошдан ва темирдан қаттиқ нонини ёйишга чидаш

керак. Юрагингиз ботир бўлмаса, бу ерларда деҳқончилик қилмаган маъқул. Аслида табиат баъзи-баъзида ана шундай ёнгиллаб олиши ҳам зарур. Қани эди, инсон ҳам худди табиат сингари қалбидаги ғуборларни юйиб, тозалаб тура олса, нур устига аъло нур бўларди.



РЕЖАСИЗ ИШ – ҚОЛИПСИЗ ҒИШТ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга мос равишда парламент вакиллари, шу жумладан, сенаторлар фаолиятида ҳам янгиланишлар кўзга аққол ташланаяпти. Улар бир пайтларда бўлганидек кабинетда ўтириб эмас, балки халқ орасига кириб борган ҳолда иш юритмоқда. Масалан, одамлар билан мулоқот асосида жойлардаги муаммоларни аниқламоқда, мурожаатларда кўтарилган ҳар бир масалага ечим топтоқда, қонун ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан аҳолининг тақлифларини ўрганоқда, қонунлар ёки дастурларнинг ҳудудлардаги ижросини таҳлил қилмоқда...

Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарҳод Боқиевдан бир кун давомиди нима юмушлар билан шуғулланиши ҳақида гапириб беришини сўрадик.

■ Сенаторнинг бир куни

— Дарҳақиқат, сенаторларнинг халқ билан учрашувлари, яратилган қонунлар ижроси ҳақида кўп ёзилапти-ю, уларнинг фаолият мезони, яъни бир кунлик иш жараёнига камроқ эътибор қаратилаётгандек чамамда. Башарти, шунга жазм қилган экансиз, бундан фақат хурсанд бўламан. Сенатор — халқ вакили, демак, халқ бизни сайлаган экан, ишончини оқлаш учун бор билим ва салоҳиятимизни ишга соламыз.

Айтмоқчи, сенатор этиб сайланганимда ўзимга зиммамдаги вазифаларни 100 фоиз баҳараман,

деб ваъда бергандим. Бун қарангки, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан сўнг иш суръатини кескин оширсак ҳам камдек туоляпти. Бу ҳужжатни қайта-қайта ўқиб, шундай ҳулосага келдимки, у ҳар бир соҳа вакилига, оддий фуқародан тортиб вазиргача катта масъулият юқлайди. Бирор киши айта олмайдик, бизга тегишли банд йўқ деб. Шу жумладан, сенаторлар зиммасидаги масъулият юз чандон ошди десам, сира хато қилмаган бўламан.

Фаолиятим мезони ҳақида сўра-

япсиз, эрталаб соат 9.00 да иш бошланади, мен эса вақтироқ келаман. Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенаторман. Бизда шундай тартиб бор: қўмитада ҳар куни эрталаб иш бошлашдан олдин бир кунлик иш режамизни белгиллаб оламиз. Тўғри, бизда ҳафталик, чораклик ва йиллик режалар мавжуд, аммо кунлик режа барибир керак. Айтишадки-ку, режасиз иш — қолипсиз ғишт, деб.

Фаолиятимиз ҳақида гапирсам, Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Сенатга келиб тушгач, у ўз-ўзидан тасдиқланиб қолмайди. Биз бу қонунни ҳудудлар манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганимиз ҳамда жойлардаги сенаторларга юбориб, уларнинг тақлифини оламиз. Ана шу жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фикрлари билан ҳам қизикамыз. Кейин экспертлар гуруҳи чиғириғидан ўтказилади. Сенат қўмиталари ҳулосалари олинган, ялпи йиғилишда қонун кенг муҳокама қилинади.



МЕҲНАТ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ана шулардан биридир.

■ Кодекс лойиҳаси — муҳокамада

Қайд этиш жоиз, янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси фуқароларнинг меҳнат фаолиятига жалб қилинишининг янги шаклларини фаол ривожлантиришни тартибга солиди. “Ўзгилувчан” иш тартибларидан кенг фойдаланиш учун иш берувчилар томонидан ходимларни меҳнат жараёнига жалб қилишнинг соддароқ, оддийроқ шакллари таллашга замин яратди.

Бинобарин, мазкур ҳужжатда бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низолатини кўриб чиқиш каби нормалар ўз аксини топапти.

— Айна пайтда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан берилган тақлифлар, фикр-мулоҳазалар асосида маромига етказилмоқда, — дейди Қонунчилик палатаси депутати, ишчи гурӯҳи аъзоси Дилмурод Исмоилов. — Ундан ҳаволаки нормалар чиқарилиб, улар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар киритилаяпти. Жумладан, лойиҳада илк бор меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик институтининг жорий этилиши белгиланаётгани унинг аҳамиятли жиҳатларидадир. Бу, ўз навбатида, иш берувчи ва ходимлар, уларнинг вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларда ўзаро манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур соҳада томонларнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга, меҳнат ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига имкон яратди.

Лойиҳа, шунингдек, янгилик сифатида хизмат текширувини амалда қўллашни кўзда тутмоқда. Бу иш берувчи томонидан ходимга нисбатан интизомий жазо белгиллаш жараёнида ҳақиқатини, яъни ходимнинг айби бор ёки йўқлигини аниқлаш орқали адолатли қарор қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ходимлар ва иш берувчилар манфаатлари мувозанатини таъминлашга, уларни ижтимоий ҳамкорликка жалб этишга, томонлар ўз меҳнатининг натижадорлигига қизиқишини оширишга хизмат қилади. Меҳнат кодекси қоидаларини халқро ҳуқуқ нормаларига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқро шартномаларга мослаш имконини беради.

Кодекс лойиҳасини тақомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Уйғонгувчи боғларни кездим...

Халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Ориповнинг ушбу гўзал сатрида уйғонишнинг, тирикликнинг, ҳаётга теран назар билан яшамоқликнинг нақадар мафтункор ва қудратли куч эканлигини нафис ишора бор.

■ Бугуннинг гапи

...Февраль ойи бўлишига қарамай, қуёшнинг беминнат саховатидан баҳраманд бўлаётган она заминимиз қиш уйқусидан уйғонди. Яшил либос кийган далаларга, бодому ўрикларнинг қийғос гуллашидан улкан гулчамбарга айланган боғларга

жисму жонингиз, руҳингиз талпинади. Беихтиёр эндигона куртак очган дарактларни, ниш отган майсаларнинг нозик япроқларини эркалаб суйгингиз келади. Ахир бу — уйғонишдан, умрбоқийликдан, ҳаётнинг бардавомлигидан нишона.

Дарҳақиқат, уйғоқлик — барча яхшиликларнинг, яшариш ва яшнатишнинг, бунёдкорликнинг, эзгулик улашининг бирламчи талаби. Уйқудаги инсон бирор ишни қила олмагани каби, қалбан мудроқ, руҳини ғафлат босган киши ҳам

жамиятда юз бераётган ўзгаришларга ҳисса қўшиши амримаҳол. Ҳатто у ўзига юклатилган вазифани ҳам қойилмақом адо этишига ишониш қийин. Чунки мудроқ кайфиятдаги инсон, аввало, янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини англамайди, қолаверса, унга иссиқ кўрпасига ўраниб ётавергани, ҳеч ким халал бермагани маъқул...

Янгиланиш нафаси кезиб юрган Ўзбекистонда бугун чинакам уйғониш рўй бермоқда, десак, муболага эмас.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, қатъияти ва жонқуярлиги сабаб барча соҳада олдинга силжиш, ривожланиш кўзга ташланаётганини халқро таҳлилчилар, эксперт ва мутахассислар кенг эътироф этаётир. Энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккурида, ҳаётга, ишга муносабатда ижобий маънодаги ўзгариш юз бермоқда.

Турмушимиздан олинган қуйидаги ҳаётий лавҳалар, юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари сўзларимиз исботидир.

4-саҳифага қаранг.



ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ ЙИЛЛИК ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВЛАРИДА ҚАТНАШМОҚДА

◀1 “TransparencyInternational” бошқаруви раиси Делия Феррейра Рубио коррупция мамлакат демократияси ва тараққиётга қандай путур етказиши, шунингдек, унга қарши курашда парламентнинг иштирок этиши зарурлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим қилди.

Катнашчилар рўйхатида нафақат парламент аъзолари, балки БМТ расмийлари, элчилар, академиклар ва фуқаролик жамияти вакиллари ҳам бор.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари давлатларнинг коррупциянинг барча шаклини сезиларли

даражада қамайтириш мажбуриятини ўз ичига олади.

Парламент эшитувлари давомида “Коррупцияга қарши конвенция: тузилиши ва амалга ошириш муаммолари” ҳамда “Йирик коррупция” деб аталадиган кўплаб активларни ўз ичига олган коррупция” каби масалалар кўриб чиқилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламентлараро Иттифоқнинг вице-президенти А. Саидов иштирок этмоқда.

«Халқ сўзи».

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

◀1 Бундан ташқари, Конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб муаммолар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши керак бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, демократик ислохотлар Конституциявий суд ишларини юритишни янада демократлаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари ҳимоясида самарали восита бўлган конституциявий шикоят институтини жорий қилиш кўзда тутиляпти. Бу орқали фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли масала юзасидан мазкур судга мурожаат этиш ҳуқуқи берилади. Бу эса Конститу-

циявий суд ишларини юритишни янги босқичга кўтарди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қонунда фуқаролар ҳамда юридик шахсларга, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилиб, шу ваколатга эга субъектлар доираси кенгайтирилмоқда.

Йиғилишда Сенат қўмитаси ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари томонидан мазкур қонун юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда инвестицион лойиҳалар муҳим роль ўйнаши аниқ. Айни чоғда лойиҳа ўз номи билан лойиҳа, ҳали битмаган ишдек гап. Уни ўз вақтида амалга ошириш, тегишли тартибда ишга тушириш учун масъуллардан фидойилик ва ташаббускорлик талаб этилади.

Парламент назорати

Шу кунларда юқори палата аъзолари томонидан бир қатор вазирилик ва ташкилотларнинг инвестицион фаолияти атрофида кўриб чиқилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Япония ва Туркияга ташрифлари аяқлари бўйича қабул қилинган “Йўл хариталари” доирасида “Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси таклиф қилган инвестиция лойиҳалари ижроси ҳолатини ўрганди.

Ишчи гуруҳ аъзолари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасида бўлиб, учрашув давомида инвестиция лойиҳалари ва экспорт битимларининг ижро этилишини танқидий таҳлил қилишди. Тўқунлиқ қилаётган омиллар ва сабаблар батаф-

сил ўртага ташланди ҳамда устувор вазифалар белгиланб олинди.

Ишчи гуруҳ томонидан олиб берилган ўрганишлар аяқлари бўйича аниқланган муаммолар масалалар, билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳалари ҳолати тўғрисида тегишли маълумотнома тайёрланди.

Учрашув доирасида ишчи гуруҳ аъзолари Олмазор туманида Ўзбек — япон кўп тармоқли тўқимачилик ўқув-логистика ва хизмат кўрсатиш марказини таҳлил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёни билан танишди.

Мунискон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

ИЗЧИЛ ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА САМАРАЛИ САНОАТ СИЁСАТИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодий эркинлик” рейтингига мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқро майдондаги эътирофи сифатида қайд этилди. Шубҳасиз, бу натижага янги Ўзбекистон таркибий ислохотларни амалга оширишдаги изчиллиги, шунингдек, самарали саноат сиёсатини юритаётганлиги туфайли эришилди, деб айтиш мумкин.

Нуктаи назар

Жорий йилги Давлат дастурида бу борадаги ишлар кўламини кенгайтирган ҳолда саноат тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ барча йўналиш ва масалалар тўлиқ қамраб олинди.

Қайд этиш жоиз, иқтисодиёт ва саноат тармоқлари учун муҳим ўзгаришлардан бири, бу — электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополиянинг бекор қилиниб, бозор муносабатларининг шакллантирилишидир. Ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиб бориши энергия таъминотида узлуқсизлиқни таъминлашни тақозо этади. Қолаверса, қазиб олиш харажатлари юқори бўлганда ташқаридан мақбул нархларда энергия импорт қилиниши ҳар томонлама оптимал ечим ҳисобланади.

Шу мақсадда суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона бозор ва унинг импорти учун талаб қилинадиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилиниб, 2021 йил 1 июнга қадар ишлаб чиқарувчи ҳамда импортерлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмида жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантиришнинг

“Йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Бундан биринчи босқичда шу йилнинг 1 августидан бошлаб йирик корхоналар электр энергияси ҳамда табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шубҳасиз, бу суюлтирилган газ бозорига самарали рақобат муҳитини яратиш, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қувватларини оширишни рағбатлантириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари корхоналарнинг суюлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш учун қўлай шарт-шароит яратди. Ўз навбатида, табиий газни юридик шахсларга, қазиб олиш харажатлари асосида сотиш механизми ҳамда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, етказиб бериш ҳамда қабул қилиш жараёнидаги тафовутлар ва йўқотишларнинг олдини олишга, энг муҳими, шаффоқлиқни таъминлашга хизмат қилди.

Бундан ташқари, республика ми-нерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш дастурининг ишлаб чиқилиши, қидирув ишларида фойдаланиш қазилмаларнинг янги истиқболли майдонларини излаш улушини жорий йилда 40 фо-

изга етказиш, ахборот очкилиги ва шаффоқлигини таъминлаш мақсадида давлат геология фондидаги архив материаллари бўйича рақамли ахборотлар банкнинг йўлга қўйилиши соҳага сармоя жалб қилинишида ҳамда узок муддатли

га оширилаётган чора-тадбирлар бу йил ҳам давом эттирилиб, икти-сослаштирилган мактаб (синф)лар фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Уларни олий таъ-

Жорий йилнинг ўзида 50 та кон ва истиқболли майдонлар ер қазирдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар шаффоф механизмлар асосида аукцион савдоларига жойлаштирилиб, маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларга таклиф этилиши назарда тутилмоқда.

истиқболли режаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг ўзида 50 та кон ва истиқболли майдонлар ер қазирдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар шаффоф механизмлар асосида аукцион савдоларига жойлаштирилиб, маҳаллий ҳамда хорижий инвесторларга таклиф этилиши назарда тутилмоқда.

Биргина заргарлик соҳасида қу-мушнинг биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилиши бу борада кенг им-кониятлар яратилишига, хусусан, соҳадаги “хуфийна иқтисодиёт” улу-шининг кескин қамайишига олиб келади.

Ҳар бир йўналишда бўлгани каби энг долзарб масалалардан бири бўлган саноат тармоқларини мута-хассис кадрлар билан таъминлаш бўйича ўтган йилдан бошлаб амал-

лим ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш учун хорижий мамлакатлардан ўқитувчилар жалб этилади.

Сир эмас, инвесторларга инвес-тиция киритиш учун иқтисодий ва кичик саноат зоналарига берила-диган солиқ ҳамда бож имтиёзла-ри билан бир қаторда, муҳандис-лик-коммуникация тармоқлари би-лан таъминланганлик даражаси, ҳудудда транспорт инфратузилмаси ва логистика марказларининг мав-жудлиги катта аҳамиятга эгадир.

Бу борада эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини зарур ин-фратузилма билан таъминлашга 1,6 триллион сўм йўналтирилиши, ҳудудларда 130 минг км. узунлик-даги паст қучланилиш электр тар-моқлари ва 40 мингдан ортиқ трансформаторларни босқичма-босқич янгилаш ҳамда 5 мингдан

зиёд таъмирталаб кўприкларни тик-лаш бўйича дастурлар қабул қили-ниши, бу ишлар учун 400 миллиард сўм маблағ ажратилаётгани ҳудуд-лар саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилиши аниқ.

Қисқача айтганда, Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича йил давомида самарали ва фолл жамоатчилик назорати олиб бори-лади. Шу мақсадда халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашлари дасту-риламал ҳужжати рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирларни ҳар ойда муҳокама қилиб бориши, Ҳукумат ҳар ойда танқидий кўриб чиқиб, ҳар чоракда ўз вақтида ва тўлиқ бажа-рилмаган тадбирлар юзасидан масъулларга тегишли қоралар қўри-ши белгиланб қўйилди.

Ўз навбатида, парламент ҳам ҳар чоракда Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури ба-жарилиши юзасидан ахборотларини иштитиб боради ҳамда бу бора-да ижро ҳоқимияти фаолияти са-марадорлигини оширишга қаратил-ган тақдирларни ишлаб чиқади. Ал-батта, буларнинг барчаси ўз иши-мизга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Ботир МАРДАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ, ТАФАККУРНИ ЧАРҲЛАЙДИГАН МУҚАДДАС ДҲРГОҲ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мамлакатимизда диний қадриятлар, азалий анъаналаримизни илмий, маърифий асосда ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда, десак асло янглишмаймиз.

Фикр

Кунги кеча Ўзбекистон Респу-бликаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргар-лик қўриш ва уни юқори савияда ўтказишга доир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар-ни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари сифатида қади-мий меъморчилик ечимлари ва замонавий дизайн уйғунлаштири-либ барпо этилаётган ушбу мар-казда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим.

7,5 гектар майдоннинг 2 гек-тарида Ҳазрати имом мажмуаси қаторида марказнинг маҳаботли биноси қад ростлаяпти. Моҳир қурувчи ва усталар меҳнати эва-зига кўкка бўй қўзаётган уч қават-ли мўъжизанинг биринчисида 300 та автомобилга мўлжаллан-ган майдон, иккинчи қаватдан асрлар қазирдан ўзлаштирилиб, жон ато этилган нодир санъат кўргазма асарлари акс этган ме-диана марказ, музей ҳамда экспо-натлар ўрин олади. Учинчи қават-га ўқув корпуси жойлаштирилди. Бу ерда илму толиблар — Ўзе-бекистон халқаро ислом академия-сининг магистр ва докторантура-ининг иланишлар олиб бориши мумкин бўлади. Нуфузли халқаро тақдирот вакиллари ҳамда маш-хур олимлар шу “чорраҳа”да тўпланиб, дунё фанларидан баҳс-га киришади. Ушбу мунаввар дар-гоҳда тафаккурлар чархланади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, марказ “ҳақиқий ақл маркази” мақомига эга бўлади. Бинобарин, лойиҳага кўра, ушбу марказда академия, 200 мингта китобни ўз жавонига жойлаш им-кони яратилган кутубхона, архив ва кўлбазмалар фонди ташкил эти-лади. Уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ҳамда уламоалар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир қур-тимизда ҳамда чет элларда сақ-ланаётган қадимий кўлбазма ва тошбосма китоблар, тарихий да-лил ҳамда ҳужжатлар, археологик топиламалар, осоротиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, шунингдек, 350, заруратга қараб 500 ўринли конференция зали

барпо этиш кўзда тутилган. Қисқача айтганда, ушбу марказ исломшунос олимларнинг ўз ил-мий салоҳиятини оширишлари ва янги изланишларни рўёбга чиқар-ишлари учун нурили манзил сифатида фаолият юритади.

Унинг тўрттинчи қавати ҳам бўш турмайдми. У ерда миллий анъана-ларимиз акс этган яшил боғ, дам олиб тафаккурни чархлаш учун шароит яратилади.

Бунёдкорлик ишлари давом этаётган объектда шун қизгин. Му-қаддас даргоҳ ҳали битмаган бўлса-да, аллақачон мазойдан сўзлаётир. Бу мўъжизавий қадмақаддий муҳит бизни бир зум ҳаёлар оламига, эзгулик гул-шанига етаклайди. Қалбингизда ажиб туйғулар жунбўша келади, руҳиятигиз тинчланилади.

Ўйга толамиз... Қадимдан қол-ган ибора бор: “Таъни нуктаси то-пилас. Ерни қўлда кўтариш мум-кин”. Диний-маърифий илм нур-лари энди шу нуктадан таралади. Эндиликда ўзбек халқи ўз аждод-лари меросидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлса, кўплаб илму толиблар ўз иқтидорларини дунёга машхур қилишга эришади. Ахир бундан қувонмай бўладими?

Давлатимиз раҳбари марказ-нинг ташқи қўрнини, бу ерда иш-латиладиган қурилиш материал-лариға ҳам эътибор қаратиш ло-зимлигига угуш бериб, янги шакл ва дизайн тоғи кераклигини таъ-кидлаган эди. Шу боис марказда бу борада олиб борилаётган иш-лар кўлами ниҳоятда кенгайган. Биз, депутатларнинг марказ раҳ-барияти, илмий ходимлари билан мулоқотимиз гоят қизгин кечди. Олимлар зарур маълумотларни бизга тақдим этди — самимий сўхбатдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Хулоса ўрнида айтганда, мам-лакатимизда сўнгги йилларда бар-ча соҳада амалга оширилаётган ишлар чин маънода, эътирофга са-зовор. Шу нуктаи назардан айт-ганда, Ўзбекистондаги Ислом ци-вилизацияси маркази ҳам буюк аждодларимизнинг бий меросини ўрганиш, ёш илм толибларининг илмий изланишларини дунёга та-ништишда катта ўрин тутади.

Наврўз РИЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

◀1 Бу борадаги фаолиятни сама-рали ташкил этиш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томони-дан Давлат дастури ижроси бўйича жамоатчилик мониторинги урни яратилган махсус онлайн платформа тақдимиот бўлиб ўтди. Платформанинг ишлаш тартиби, унинг имкониятлари ва келгусида тақомил-лаштириб борилиши тўғрисида батафсил ахборот берилди. Хусусан, давлат идора-ларига ва фуқароларга ушбу платформа орқали Давлат дастурида назарда тутил-ган вазифаларнинг ижро ҳолати, улар доирасида қабул қилинган ҳужжатлар юза-сидан маълумотларга эга бўлишлари ту-шунтирилди. Платформа бажарилган ва-зифаларнинг жамият ҳаётига таъсирини баҳолаб бориш имконини беради.

Бундан ташқари, Давлат дастури ижроси юзасидан Олий Мажлис Сенати, Ҳукумат таркибига кирувчи давлат идора-лари иштирокчи ҳар ҳафта жамоатчилик эшитувлари ва брифинглар уюштириш, ушбу тадбирларни бевосита ҳудудларда ҳам амалга ошириш масалалари муҳока-ма қилинди.

«Халқ сўзи».

РЕЖАСИЗ ИШ – ҚОЛИПСИЗ ФИШТ

◀1 Шу ўринда қонун ижодкорлиги жараёни-даги иштироки ҳақида ҳам бил-моқчисиз, шундайми? Олтига қонун яратилишида бевосита қатнашганман. Улардан бири — “Жамоат ҳавфсизлигини таъ-минлашга доир қонун ҳужжатла-ри янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”- ги Қонун бўлиб, бу ҳужжат бу-гунги кунда фуқаролар, айниқ-са, ёшлар орасида пичок ва бошқа совуқ қуроолларни олиб юриш, ўзаро жанжал вақтида шу ашёлар билан қўрқитиш ёки уларни қўллаш каби ҳаракатлар-нинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Таҳлилларга кўра, 2017 — 2019 йилларда 10 минг 65 та, шундан 6 минг 835 таси пичок, 2020 йилнинг 6 ойда эса 14 минг 957 та, шундан 12 минг 762 таси пичок ва қолгани бошқа турдаги предметлар воситасида ҳуқуқбу-зарликлар содир этилган. Булар-нинг салбий оқибатлари хусуси-да гапирмасам ҳам тушунарли.

Шуларни ҳисобга олиб, фуқаролар томонидан жамоат

жойларида, касбий ёки спорт фаолиятида, ҳўжалик-маиший мақсадларда совуқ қурол сифа-тида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни филофсиз олиб юрганик учун жарима белгилан-ди. Қонун билан мустаҳкамланди.

Бу ҳали фаолиятимизнинг ҳаммаси эмас. Сенатга фуқа-ролардан мурожаатлар ҳам кўп бўлади. Бу мурожаатлар маҳал-лий ҳокимликлар, вилоят таш-килотларида ёки вазириликларда ечимини топмагач, жисмоний ёки юридик шахс охириги илинж сифатида Сенатга арз қилади. Бизда бирорта шикоят эътибор-сиз қолдирилмайдми, ҳаммаси на-зоратда. Муҳими, қўлларига ижо-бий ечим топиляпти. Ижро ҳоқи-мияти ҳам тушуниб қолди. Чун-ки улардан аниқ жавоб бериш-ни талаб қилаямиз-да.

Муаммо кўп, аммо ҳар бири-нинг ечимини ҳам бор. Қарши ту-манида 25 та, Боёёв туманида 35 та маҳалла фуқаролар йиғи-ни ўз биносига эга эмас, Ма-ҳалла ва оилани кўллаб-қувват-лаш вазириги бу муаммони ҳал этиши керак эди. Ҳал бўлавер-магач, ялпи мажлисда мутасад-диларга мурожаат қилдик. Яна бир мисол: Самарқанд вилоя-

тининг Каттақўрғон шаҳридаги маданият саройини таъмирлаш учун 6,5 миллиард сўмлик маб-лағ ажратиш кечикаётганига изох сўраб, Маданият вазириги мутасаддисига савол бердик. Булардан мақсадимиз — аҳоли-дан келаётган ҳар бир мурожа-ат эътиборсиз қолмаслигини таъминлашдан иборат.

Энди бир кунлик фаолиятим тўғрисида Қашқадарё вилоятига қилган хизмат сафарим асоси-да жавоб бераман. Аввало, қаш-қадарёликлар ҳар бир учрашув-у учун ҳам ҳудуддаги фермерлар би-рор-бир жиддий муаммони ҳал қилиш учун Лола опанинг атрофи-

Кун давомида бундай учра-шувлардан бир нечасини ўтка-зишга тўғри келди. Масалан, Қарши шаҳридаги “Қиличбек Кўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳардаги 9-умумий ўрта таълим мактаби, Қарши му-ҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамда Қарши давлат универси-тетига мулоқотлар ўтказдик. Уларда шу йил 4 февралда Президент томонидан имзола-ган “2017 — 2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ри-вожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ешларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатли-гини мутасаддисига йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ги Фармон мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқ-са, ёшлар орасида кенг тарғиб этдик. Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида қўрилган ма-салалар хусусида атрофлича маълумот бердик.

Шунингдек, жорий йил 6 ян-варда Қарши шаҳридаги Отчона маҳалласида уйда газ портлаши оқибатида рўй берган фалокатдан жабр кўрган хона-дон эгалари ҳолидан хабар ол-дик ҳамда Шодлик маҳалласи-даги ётоқхонада яшаётган аҳоли шароити билан танишдик.

Кўряписимиз, сенатор бир кун мобайнида қанча юмушга улгу-риши керак. Буни нокамтарлик-ка йўйманг-ку, бим, сенаторлар-дан катта қуч, билим ва Ватан-га бўлган садоқатни, энг муҳи-ми, юксак масъулиятни талаб этади.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

БАЛИҚЧИДА

«ҲАММА ИШЛАР ЖОЙИДА, ҲЕЧ БИР МУАММО ЙЎҚ»МИ?



Ёхуд ўз укувсизлигимиз, масъулиятсизлигимизни баландпарвоз сўзлар билан ҳар қанча пардаламайлик, ҳаётнинг ўзи, оддий одамларнинг назар-нигоҳи бизнинг қилмишларимизни фош этиши хусусида.

“Ўз-ўзини танқид — келажак меваси”, деган ибора бор. Келинг, мана шу нақлга амал қилган ҳолда, гапни, аввало, ўзимизни танқид қилишдан бошласак.

Биз, “муҳбир” аталмиш қаламкашларнинг ҳеч қаерда ёзилмаган, аммо доимий одатга айланган “иш услуби”миз бор. Хизмат сафари билан қайси вилоят ёки туманга бормайлик, аввало, ҳокимиятга учрашамиз. У ерда ҳоким ёки унинг ўринбосари аксарият ҳолларда баландпарвоз гаплар билан кўнглимизни “пуч ёнғоқ”қа тўлдириб, ёнимизга битта ходимини кўшади-да, “кўз билан кўрганга не етсин”, дея четдан келганларга кўз-кўзлашга мўлжаллаб, барча шароити муҳайё қилиб қўйилган қишлоқ ёки маҳаллага етаклайди.

Сир эмас, ҳар бир ҳудуднинг орден-медали костюмига тақилган, айтадиган гапи ҳам тайин, телеэкранлару паст-баланд минбарларнинг обдан “жавоси”ни олган бир-иккита пешкашу чечанлари бўлади. Халиги бириктирган ходим бизни уларга рўбарў қилади. Ва улар сўзлаётган гаплар унчалик ҳам рост эмаслигини, кўраётганларимиз эса “кўзбўямачилик” эканлигини сезиб, билиб турсак-да, шулар асосида мактовга “кўмилган” мақолалар ёзганларимиз ҳам бор гап.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«Майли гапираман, аммо исмимни айтишдан қўрқаман»

Қўргонча маҳалласи. Ўрта ёшлардаги, қорамағиздан келган бир аёл катта йўл ёқасида афтидан машина кутиб турибди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Ўзимизни таништириб, мақсад-муддаомизни айтдик. Кейн:

- Ўзи қандай яшаяспизлар? Қишлоқда газ борми? Электр таъминотида узилишлар бўлмаяптими? — деб сўраймиз.
- Газлар бурун бўлганди, кейин йўқ бўлиб кетиб, ҳамма печкага ўтган, — дейди у. — Аммо бу йил “савет” яхши бўлди. Кам ўчди. Илгарилари икки соат ёниб, тўрт соат ўчарди.
- Ичимлик суви масаласи қандай?
- Кран бор, унда-бунда. Эрталаб-кечқурун икки соатга ёқиб беради, ташиб ичамиз. Бироқ ичишга нолойиқ, дейишсади.
- Йўллар-чи?
- Қўриб турибсиз. Одамлар ўзи пул йиғиб шағал ётқизган. Катта кўчаям, янги маҳаллалар ҳам асфальт эмас.
- Одамларнинг турмуши қанақа? Тирикчилик ниманинг ҳисобидан?
- Ишчилар кўп. Корхона йўқ. Боғчанинг биттаси Ҳўжабодда, биттаси Аламидда. Ҳув анави ерда уй боғча очилганди, уям ёпилиб кетди. Аламиддаги давлат боғчасига ойига 83 минг сўмдан тўлардик. “Дамас” олиб бориб, олиб келишга ўттиз минг берадир. Хайриятки, яқинда маҳалламизда хусусий боғча очилиб, неварамни ўшанга бердик.
- Нечта фарзандингиз бор?
- Икки ўғил, бир қизим бор.
- Ишлашадими?
- Иш йўқ. Ўқитолмаганмиз, чет давлатга чиқиб, устачилик қилишди. Дарвоқе, қизимни ҳамширалikka ўқитгандик. Ҳозир бола парварishi билан банд. Бирор ерга борсак, кирақаш машиналарга чиқамиз — автобус йўқ. Чинободгача 3 минг сўмга олиб боради. Балиқчиға 6 минг.
- Балиқчини бу ердан ўн километр дейишсади. Қиммат эмасми?
- Нарх-наво ошиб кетди, деб шунақа нарх қўйиб олишган. Нима ҳам дердик, зарур бўлгандан кейин чиқамиз-да.
- Исм-шарифингизни ҳам сўрамабмиз?
- Э, қўйинглар айтмайман, қўрқаман, — дея дув қизарди аёл.
- Шу пайт “Дамас” келиб тўхтади. “Нимадан, кимдан кўрқасиз?” дейишга улгурмасимиздан аёл машинага ўтириб жўнаб кетди.

Тўхтаҳоннинг кўз ёшлари

- Тошкентга қатнаб ишлайман, — дейди ўзини Тўхтаҳон Бектемирова дея таништирган яна бир қўргончалик аёл. — Ўн беш кун ишлаб қайтаман. Онам касал, ўғлимни уйлантиришм керак, боз устига уяим, таъмирлатибди. Қизим 1991 йилда туғилган. Қўлим калталиқ қилиб ўн йил олиб ўтирдим. Худого шукр, тенгини топди, ҳозир бир ўғил, бир қизи бор.
- Ўғлингиз ишлайдими?
- Иш қаерда дейсиз? Ўн кун бўлди Тошкентга мардикорликка кетди. Ўзим онамдан илҳақ бўлиб боролмадим.
- Шу ердаги фермерларда ишласа бўлмай-дими?
- Тошкентда, Фозилов, деган жойда бировнинг узумзорига қараймиз. Кунига 60 минг сўм беришади. Бу ерда кун бўйи ишлаб 30 мингни аранг топасиз.
- Маҳалладан Тошкентга борадиганлар қўлми?
- Тўрт кишимиз. Ҳўжабоддан икки нафар аёл. Яна янгамнинг келини ҳам.
- Маҳалладан ишга таклиф қилишмаяптими?
- Ишинг ўзи бўлса таклиф қилади-да! Уни-ям қўйинг, “аҳволинг не?” дейдиган одамнинг ўзи йўқ, Икки хонали уйим бор. Биттасида ўзим ўтирсам, биттасига келин туширишим керак.
- Жуда қийналиб қолиб, порталга чикдим —

Бугун бундай эски замон саркити бўлган, чириган иш услубидан воз кечиш, адолат ҳамда ҳақиқатга юз буришнинг вақти келди. Давлат раҳбарининг ўзи расмий “протокол”лардан чиқиб, ҳеч қутилмаганда йўлини олдиндан “тайёрланмаган” маҳалла ва кўчаларга буряпти. Хонадонларга киряпти, ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан қўриб, оддий одамлар билан суҳбатлашиб, улар дардига қулоқ тутяпти. Эл ташвишидан йироқ, “оёғи ердан узилган”, аравани қуруқ олиб қочадиган, беғам, сўзбозу қоғозбоз раҳбарларни ўша ернинг ўзида лавозимидан четлаштирмоқда. Биз буни Фарғонага сафари мисолида кўрдик ва бунга яна бошқа кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин.

Хуллас, биз ҳам бу гапни Андижонга сафаримизда “одатий андозалар”ни четга суриб, ҳокимларга учрашишдан олдин маҳаллаларни оралашга, йўлимизда дуч келган турфа ёш, турли касб-кордаги одамларнинг юрак сўзларига қулоқ тутишга қарор қилдик. Ҳатто, борар манзил, маҳаллани ҳам танламадик. Ишни Норин билан Қорадарёдан ўтиб, Наманган билан Андижон чегарасидаги туман — Балиқчидан бошладик.

Иномжон ота нима дейди?

“Юз чинор” маҳалла фуқаролар йиғини бўйлаб бораётиб, йўл қирғоғида ҳассасига таянганча секин кетаётган саксон ёшлар касасидаги нуруний отахони суҳбатга тортидик.

- Иномжон бувангиз Мирзоалминов бўлман, — дейди у киши ўзини таништириб.
- Нима хизмат қилгансиз?
- Ҳўжаликда сувчи, тракторчи бўлганман. Ҳайдов тракторлариди юрганмиз — 15 ёшимдан далага чиққанман. Шароитимиз огир эди-да. Қирқ йил ишлабман, қаранг.
- Пенсия пули дурустими ишқилиб?
- Яхши, беш юздан сал ошади.
- Нечта фарзандингиз бор?
- Бешта — икки ўғил, уч қиз.
- Ўғиллар қаерда ишлайди?
- Барчаси бекорчи, ишсиз.
- Нима тирикчилик қилади?
- Ҳар замонда фермерликда иш чиқиб туради.
- Фермер ҳўжаликлари ойлик берадими?
- Э, бу фермер бўлмади, ойллик йўқ ҳисоби. 4-5 та ишчиға жиндай-жиндайдан ҳақ беради. Кўп одам олмайди. Бизнинг давримизда 90 — 100 гектар ерда юзлаб ишчи ишларди — ҳаммаси ойллик маош оларди. Йил охирида мукофот ҳам берадди. Ҳозир манаман деган фермернинг, нари борса, ўнта ишчиси бор.
- Шунгяям иш ҳақи ёзмай тирикчилик қилади. Арзон-гаров мардикор ёллайди. Иложини топса-ю, шу мардикоргаям пул бермаса, зангарлар.
- Ҳозир ёшларга 10 сотихдан бир гектар-гача ер бериялпти-ку.
- Йўқ, унақа гап йўқ биз томонда.
- Ёшлар қаерда ишлайди?
- Ҳаммаси ҳар ёққа тириқираб кетган. Ишлай, деса корхона йўқ, ташкилот йўқ. Қаерда ишлайди бечоралар? Боши оққан томонга кетади-да. Фермернинг аҳволи бунақа бўлса. Инсоф қолмади, ерни ҳозирдан сотаяпти.
- Гектарини қанчадан сотади?
- 5 миллион.
- Туман раҳбарлариям келиб турадими?
- Келади.
- Муаммоларни айтасизларми?
- Айтамиз. Бўпти, дейди-да, кетаверади.

Ёлғон гапириб қизармайдиган раис

- ...Маҳаллада қанча ишсиз бор? — саволга тутамиз “Юз чинор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анваржон Жўраевни. — Бизда деярли ишсиз одамнинг ўзи йўқ, — дейди пинак бузмай раис. — Эллиқ нафар ёшга иссиқхона қуриб бердик субсидияга. Яна талабгорларга кредит беряпмиз.
- Ёшларнинг бўш вақти қандай ўтяпти?
- Мана, куни кеча болалар ўйнайдиган майдонча қурдик.
- Клуб, маданият уйи борми?
- Йўқ.

- Кутубхона, спорт майдони-чи?
- Бор, мактабда.
- Маҳаллада-чи?
- Бор.
- Қаерда?
- Хонада.

Раиснинг хонасига кирдик. Бирорта ҳам китоб кўрмадик. Анваржон ўзининг ёлғон гапидан сал бўлсаям уйлиб қизарар, деб ўйлагандик. Йўқ, одатгадигек пинагини ҳам бузмади...

“Юз чинор”дан қайтаётиб йўл ёқасида гурунглашиб турган уч-тўрт чоғли йигитларга кўзимиз тушди.

- Маҳалламизда 650 дан зиёд ёшлар бор, — дейди улардан бири Эминжон Илминов. — Уларнинг аксарияти бекорчи. Кейинги пайтда бирор жойда, бирорта иш ўрни очилганини, бирорта одам ишга жойлашганини кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ. Кўпимиз ёзда Россия, Қозоғистон томонларга кетамиз, бу ерда қолганлар уйма-уй юриб дуч келган ишни қиламиз — лой қорамиз, гишт қуямиз, том ёпамиз...

Кейин куздан то баҳоргача нима қиларимизни билмай кўчада юрамиз.

Сансалорликка тушган масала

Ўрмонбек қишлоғидан анча ўтиб, катта йўлдан зовур ёқалаб кетган ўйдим-чуқур кўчага бурилдик. Сўл томонимиз кўримли-кўримсиз уйлар, зовур орти эса дала, бог-роғ. Оғтоб нимтатир нур сочди. Бодом бўкюглаб турибди. Баҳор нафаси димокларни қитқлайди. Бир киши ҳафсала билан зовур ёқасидаги бир қулоқ келадиган андамада ариқ тортяпти.

- Хорманг, деҳқон бува.
- Саломат бўлинглар, келинглар!
- Ўрта бўйли ва ёшроқ, сарикмағиз киши кетмонига суяниб қаддини ростлайди.
- Ишни бошлабсиз-да?

Кечга томон Балиқчиға, ҳокимиятга бордик. Учинчи қаватга кўтарилиб, қабулхонадаги йигитдан ҳокимни сўрадик.

- Йўқ, — деди у. — Маҳаллабай ишлаш тизимиға ўтганмиз. Ҳоким ҳам, барча ўринбосарлар ҳам маҳаллама-маҳалла юришибди.
- Шу гапнинг устига бир сулувгина жувон кириб келди.
- Ана муовинлари келиб қолди, — деди қабулхонадаги йигит.
- Танишдик. Ҳўзал Махмиевна Ҳамидова — Балиқчи тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш, маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари. Ҳўзалхон бизга тумандаги ислохотлар ҳақида гапириб берди. Суҳбат давомида “фойдаланарсизлар” дея марҳамат кўрсатиб, туман ҳокими Жасур Абдурайимовнинг Президент ҳузурида ўтадиган селектор йиғилишида айтадиган сўзлари ёзилган ўн икки саҳифалик матнни берди.
- Андижонга қайтаётди, ҳисоботга кўз югуртирдик. Баъзи сўзлар қалбимизни “тўқинлантириб” юборди: “Балиқчи туманида ёшлар билан ишлашга биринчи даражали давлат сиёсати сифатида қараб келинмоқда...”, “Меҳнат фаолиятимизнинг асосий қисмини ёшлар билан ўтказмоқдамиз...”, “Кўп соҳаларда бўлгани каби ёшлар билан ишлашда ҳам “Андижон тажрибаси”ни жорий қиламиз...” ва ҳоказо, ҳоказо.
- Қоғозга туширилган “оламшумул” ишлар, пурвиқор рақамлар учун нафақат ҳокимга, балки балиқчилик раҳбарларнинг ҳар бирига таҳсинлар айтиш озлик қиладигандек. “Қойил!” дедик.
- Аммо кўнгил кургур сал хижил. Ҳоким билан, албатта, учрашишимиз керакдай

- Бошладик.
- Нима эҳмоқчисиз бу ерга?
- Терак.
- Ўзи қайси маҳалла бу?
- Афсона.
- Сиз билан танишасиз бўладими?
- Исмим Нейматжон Тошбоев.

Қаердан эканимиз, мақсад-муддаомиз нелигини эшитган Нейматжон ака кетмонини қўйиб, йўлга чикди-да биз билан қўришди. Ўзи ҳам дардлашулик одам тополмай “тўлиб” турган экан чоғи, гапга тушиб кетди:

- Аёлим касал бўлиб ётиб қолган. Биринчи гуруҳ ногирони. Қизларни турмушга берганман. Битта ўғлим бор. Имконим қолмагач, Россияга жўнатдим, бу йил келди. Ўйда чолу кампирдан бўлак ҳеч ким йўқ.
- Ҳеч қаерга қимирлашининг иложи йўқ. Кампирнинг вужудини огрик қийнаворди, устига-устак терлаб, бўкиб кетаверади. Ҳар кун икки-уч марта уст-бошини алмаштираамиз. 700 минг сўм пенсия олади, у дорисигаам етмайди. Заруратдан машинами сотдим. Тераклар бор эди, улар ҳам сотилиб кетди. Охири иложсизликдан маҳалла идорасига бордим.
- “Ўртоқлар, мен пул талаб қилмайман. Аёлимни Наманганга олиб бордим, кўрсатдим. Дори ёзиб беришди. 920 минг сўм бўларкан. Менга пул берманглар-у, шу доридан ёрдам қилсаларинг бўлди, ҳеч бўлмаса, ёзга чиқиб олгунимча. Ўйда сотадиган ҳеч нарсам қолмади”, дедим.
- “Паспортидан, ногиронлик гуруҳи бўйича ҳужжатидан нусха олиб келинг”, дейишди. Айтганини қилиб топширдим. Яна жимжит кетди. Униси бунисига солади, буниси унисига. “Туманга топшириб қўйганмиз, кўриб чиқиб айтди”, деди.
- Масала сансалорликка тушганини кўриб, охири аёлим “вилоят ҳокимига қираман”, деди. Жон уники-да огрибди. Ҳокимликка борганимга ҳам йиғирма кун бўлди. На улардан ва на маҳалладан дарак бор. Аёлим қийналиб ётибди. Ҳеч ким касал бўлмасин экан. Пули борга осондир, лекин йўқ бўлса жуда қийин бўларкан. Кампирим кун сайин “тўқилиб” боряпти.
- Ўзи касбингиз нима?
- Деҳқонман. Колхоз даврида бугдоғи, бедага сув қўярдим. Кейин Қозоғистонга ўн йил қатнадим.
- Бу ерда иш йўқми?
- Иш бўлган билан аёлимни ташлаб ҳеч қаёққа қичолмайман. Ҳовлида юраман. Чақи-ради, югуриб бораман. Дорисини бериб, овқатини бериб, ювинтириб юраман.
- Келин борми?
- Яқинда олдик. Ҳар қалай жонимга оро кириб қолди.
- Ўғлингиз қаерда ишлайди?
- Наманганда гишт заводда ишляпти.
- Ногоҳ ёдига бир нарса тушгандек сергак тортади Нейматжон ака.
- Ана шу рўпарадаги уй бизники. Кириб бир пиёла чой ичинглар.
- Раҳмат. Муаммоларингизни тегишли ташкилотларга етказишга ҳаракат қиламиз.
- Майли, майли.

...Муқанна, Чароғон маҳаллаларида ҳам бўлдик. “Чароғон” МФЙ раиси Хусанбой Норқўзиев ҳашар усули билан Халфа зовурига кўприк қуришгани, қишлоқ қабристони атрофига девор тортилиб, ободонлаштирилаётганини айтди. Йўл-йўлакай ҳашарчи йигитлар билан сўрашиб ўтдик.

Хулоса ўрнида

эди. Бусиз ишимиз чаладек, гўё. У инсонга кўрган-билганларимиз, таассуротларимиз ҳақида сўзлаб бермоқчи, ҳоким фикрларини, эзгу мақсадларини билмоқчи эдик.

Яна ҳаёлимиздан ўтди. “Қизиқ. Қабулхонадаги йигит “ҳоким бошлиқ ҳамма раҳбар маҳаллаларда юрибди”, деди. Бир-биридан олис-яқин маҳаллаларни кун бўйи оралаб, тумanning деярли ярмини кезиб бирор раҳбарга дуч келмаганимиз қизиқ” дедик ўзимизга-ўзимиз.

Барибир ҳокимни кўрмасан бўлмасди. Шанба куну у киши билан икки-уч бор боғланишга ҳаракат қилдик. Телефонлари ўчирилган. Орадан бир кун ўтиб, яқшанба куну яна Балиқчиға келдик. Ҳокимиятда ҳеч ким йўқ.

“Бугун дам олиш куну”, деди дарбон. Нима қилишни билмай турганимизда ёшгина бир йигит қўринди. Ҳоким ёрдамчиси экан. Ҳокимга бизнинг олиш-шимизни етказишини сўрадик.

- Бугун дам олиш куну, безовта қилполмайман, — деди ёрдамчиси.
- Ҳайдовчиси билан гаплашдим, — деди телефон тугмасини босаркан. — Машиналарини чақирмабди. Қаерда экани номаълум.
- Ноилж, ёрдамчисига телефон рақамимизни бердик. “Биз билан вақт топиб боғланса, айтадиган фикрларимиз бор эди”, дедик.
- Хуллас, ҳоким билан уч кун мобайнида учрашиш бахтига муяссар бўлмадик. Телефон-чи, дейсизми? Йўқ. Афсуски, кўнғироқ ҳам бўлмади...

Ортиқали НОМЗОВ («Халқ сўзи»).

ТАБИЙ ИПАК МАТОЛАР — ЭКСПОРТГА

Фарғона туманидаги “Водил ипак йиғирув” шубъа корхонаси томонидан Фарғона, Қува, Олтиариқ, Бағдод ва Бувайда туманлари қамровида пиллачилик кластери ташкил этилди.



Интилиш

Ўтган йил яқунларига кўра, Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон ва қўшни Тожикистонга 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Кластер қошида атлас ва адрас, ипак гиламлар тўқиш цехлари барпо этилди. Бу борада олиб борилаётган изчил саёй-ҳарақатлар туфайли юзта доимий ҳамда 3 мингта мавсумий иш ўринлари яратилди.

— Ҳар мавсумда 13 минг қутидан зиёд ипак қурти уруғи

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун замонавий дизайн ҳамда андозадаги арзон уй-жойлар қуриб бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар учун кўп қават (квартира)ли уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади.

1. Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 58-уйда жойлашган, қурилиш умумий майдони 2 100 м² бўлган бўш ер.
2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув даҳаси, 6-мавзеда жойлашган, қурилиш умумий майдони 5 000 м² бўлган бўш ер.
3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув даҳаси, 4-мавзе, 11-уйда жойлашган, қурилиш умумий майдони 4 000 м² бўлган бўш ер.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ кўчасида жойлашган, қурилиш умумий майдони 11 000 м² бўлган бўш ер.
- Юқорида кўрсатилган объектларни қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари вакилларида куйидаги ҳужжатлар тўплами талаб қилинади:
1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг устави ва гувоҳномаси.
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (5 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак).
3. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома.
4. Давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома.
5. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот.
6. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда).
7. Қурилиш ишларини олиб бориш, муддатлари ва шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда).
8. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизи ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун арзонлаштирилган нархларда сотилади.

Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидидаги инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари вакиллари 2021 йилнинг 28 февралига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси.

Телефонлар: 71- 281-93-53, 97-291-63-36.

Уйғонгувчи боғларни кездим...

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Алижон АЛЛАБЕРДИЕВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори:

— Ажнбий маданият чегара билмаётган бугунги ахборот асрида ўзликни сақлаб қолиш ҳар қачонгидан мурракб ва долзарб. Бу эса миллат тилини асраш билан бевосита боғлиқ. Зотан, ҳазрат Навоий айтганидек, “Тилга эътибор — элга эътибор”дир.

Давлатимиз раҳбарининг халқимизнинг асрий аъналарини, қадриятларини ривожлантириш, айниқса, миллий тилимиз соғлиғи ва раванқини учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётгани шундан.

Тарихда қанчадан-қанча тиллар муомаладан йўқолиб кетмади, дейсиз. Инсониятнинг илк тамаддунига хизмат қилган шумер, қадимги юнон, иврит каби тиллар бугун “ўлиқ тиллар” рўйхатида. Афсуски, шўролар даврида олиб борилган сохта мафкуравий сиёсат таъсирида миллий тилимиз ҳам жабр кўрди. Ғарбча сўзларнинг кўр-кўрона тиқиштирилиши лексикамизни анча ғариблаштирди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда қадриятлар ҳам ўзгармоқда. Она тилимизга халқимизнинг бебаҳо бойлиги сифатида қаралмоқда. Уни асраш ва янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон фуқаролигига эга раҳбар шахс ўзбек тилини билиши ва давлат тилида иш юритишга мажбурлиги белгилаб қўйилди.

2019 йилдан 21 октябрь санаси юртимизда “Ўзбек тили байрами куни” сифатида белгиланиши ҳамда давлатимиз раҳбарининг



БМТ Бош Ассамблеясида ўзбек тилида нутқ сўзлаши она тилига ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин намунаси сифатида тарихий аҳамиятга эга воқеалик бўлди.

ХОТИРЖАМЛИК САОДАТИ

Фотима АБДУРАХМОНОВА
(Ширин шаҳри):

— Ишчилик, етишмовчилик азоби-ни бошидан ўтказгангина билади. Мен ҳам тўрт йил иш қидириб, шаҳримизда тақиллатмаган эшик, бормаган жойим қолмаган эди. Бу ёқда ўғлим олий ўқув юртига шартнома асосида ўқишга кирган, яна бири мактаб битирувчиси. Ёлғиз онаман. Шартнома тўлови ва рўзғорга пул топиш учун аёл бошим билан дуч келган ишларни қилиб юрдим. Хатто, бировларнинг ҳовлисини супурдим. Ташкентга бориб ёлланма меҳнат билан шуғулландим. Ўтган йили иккинчи ўғлим ҳам шартнома асосида олий ўқув



юрти талабаси бўлди. Хурсанд бўлдим. Аммо харажатим янада кўпайди. Фарзандларим камоли эса менга умид берарди.

Шундай кунларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ширин шаҳридаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилдим. Тўғриси, ҳар бир мурожаатчи кўтарган масалага бу қадар жиддий эътибор қаратади, деб ўйламагандим. Қабулхонадагилар муаммоларимни эшитиб, уларни ҳал этишга киришилди. Тез орада Ширин шаҳар халқ таълими бўлимига ишга жойлашдим. Тайинли даромад манбаига эга бўлдим. Руҳимга хотиржамлик инди. Бу давлат идораларининг илгаригидек ҳафсаласизлик қилмай, ўз ишига масъулият билан қарашгани, халққа хизмат қилишни муқаддас бурч деб билаётгани самараси.

Бундан биздек оилаларнинг ҳаёти раван изга тушмоқда.

«ТЕМИР ДАФТАР»НИНГ ТЕМИР ҚОНУНИ

Боймурод КАРИМОВ
(Пайарик тумани):

— “Йўқчилик йўқитар йигит зўрини...” Шойр бежиз бундай сатрларни битмаган экан. Икки фарзандни боқаман деб, мардикорлар бозорларида сарсон-саргардон юрганимда ич-ичимдан эзилардим.

Оиламиз “темир дафтар”га киритилди, тушунлигимиз арий бошладди. Чунки “темир дафтар”нинг темир қонуни шу эканки, кам таъминланган оила қачон ўзини ўнглаб, барқарор даромад манбаига эга бўлсагина ундан чиқарилаверди.

Бизга ҳам ўтган йили ҳовлимиздаги 1 сотих ер майдонига давлат томонидан бепул иссиқхона қуриб берилди. Бундан ташқари, томчилатиб сугориладиган интенсив боғ орасидан 50 сотих ер ҳам ажратилди.

Бу ердан ўтган қуз мавсумида турмуш ўртоғим билан бирга бодиринг экиб фойдаландик. 15 миллион сўм даромад қилдик. Иссиқхонада эса шу пайтга қадар памидор қўчат етиштириб сотдик. Ҳозирги кунда ҳар хил қўчатлар парвариш қиляпмиз. Ҳадемай, улар ҳам ўзимизнинг ва халқимизнинг дастурхони учун тайёр бўлади. Кич қулларида бу ҳам, насиб этса, яхшигина даромад беради.

Кундан-кун яшаш шароитимиз ҳам яхшиланиб борапти. Бизнинг арзу додимизни тинглаб, оғриқли муаммоларимизни юрагидан ҳис этиб, уларни ҳал қилишда жонбозлик кўрсатганларга катта раҳмат.



ҚАДДИМИЗ ТИКЛАНИБ, ҚАДРИМИЗ ЮКСАЛМОҚДА

Насиба БОЗОРОВА,
(Термиз шаҳри):

— Ижарама-ижара сарсон, кўч-кўронини ортмоқлаб юриш бизни чунонам холдан тойдирганди. Боз устига, оиладаги етишмовчилик...

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда “аёллар дафтари”нинг жорий этилиши бу муаммоларимизга бирин-кетин барҳам бера бошлади. Айниқса, “йўғон чўзилиб, ингичка узилган” пандемия даврида ушбу рўйхат асосида бизга амалий ёрдам кўрсатилгани мушкулларимизни осон қилди. Кўнгилли ёшлар сафид вақтинча иш билан таъминландим. Қийин ва ночор шaroитда ҳаёт кечи-раётганларга кундалик энг зарур озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий кўмакларни етказиб бериш ишларида фаол қатнашдим. Хатто бу хизматларим юқори даражада қадрланди, “Меҳр ва савоат” кўрак нишонин билан ҳам тақдирландим. Бу орада банкдан имтиёзли кредит олиб, ўзимнинг тикув-



чилик асосидаги тadbirkorлик фаолиятимни ҳам йўлга қўйдим.

“Уйи борнинг ўйи йўқ”, деганлари рост экан. Шаҳар ҳокимлиги ва сектор раҳбарлари оилавий шароитимизни ўрганган ҳолда бизни субсидия асосида уй-жой билан таъминлади. Ростини, юртимизда янги насим эсаётганига, адолат устувор кўрилатганига шунда яна бир бор иқдор бўлдим. Худди туш қўраётгандек, ўзимни чимдилаб қўяман — наҳот инсон олий қадрият даражасига кўтарилди?! Наҳот йикилганларнинг қадди тикланиб, қадри шу қадар юксалмоқда?! Бу саволларга жавобдан кўнглим тўлиб, тўлқинланиб кетаман.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

— Талаба бўлиш орзуим армонга айланадигандек эди гўё. Тунлар бедор ўқишга тайёрланардим. Аммо... Омад келмаса, қийин экан. Олтин давр остонасида қўқилавердим...

Минг шукрки, ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ўқиши учун олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти ажратилди. Мен ҳам ана шундай имтиёз билан Урганч давлат университети талабаси бўлишдек бахтга эришдим. Орзуим рўёбга чиқди.

Олтин даврим ҳақида айтадиган бўлсам, у ниятда завқли ўтмоқда. Университетимизда таълим, бир вақтлар эшитганимдек, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилмаган.

Ҳар бир профессор-ўқитувчининг дарсга жиддий муносабати, замонавий таълим усул ва услубларидан кенг фойдаланишга интилишидан талаба келажаги, ўқув юртимиз нуфузи учун жавобгарлиқни чуқур ҳис этаётганини аниқлаш мумкин. Шароитлар жаҳон андозазаларига мос.

Буларнинг барчаси ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрланаётгани, таълим, илм-фан соҳаси ривожига тараққиётнинг негизи ўлароқ ёндашилаётгани натижасидир.

Юқорида атоқли шоиримизнинг жозиб мисрасини бежиз келтирмадик. Уйғонгувчи боғларни кезган ҳар бир инсон табиатнинг сержило мўъжизаларини, аниқланиш ва яшаришни илғайди.

Бугун Ўзбекистонни кезган ҳар қандай киши ана шундай буюк бир уйғоншига гувоҳ бўлади. Одамлар жамиятдаги ўзгаришларга тийрак назар ташлашга, уларнинг мазмуни аҳамиятини теран аниқлашга интилиб, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшаётир.

Ҳокимлар, вазирлар, сектор раҳбарлари, шифокор ўқитувчилар, умуман, барча соҳа вакиллари бугун уйғонмоқда. Улар эскича иш услуби ва ёндашувлардан воз кечиб, янгича яшашга, янгича ишлашга ҳаракат қилаётир. Бир вақтлар ҳокимининг ҳатто исмини ҳам

АНОРЗОРЛАР «ФАРЁДИ» ВА УНИНГ ЕЧИМИ

Махфират АТОЕВА,
«Ромитаннома» газетаси бош муҳаррири,
халқ депутатлари Ромитан тумани
Кенгаши депутати:

— Ўтган йили ҳамкасбларимиз билан Қўрғон қишлоғига йўлимиз тушди-ю, худуддан ўтувчи ариқнинг бош қисми қимларнингдир қалтабини оқибатида қўмилиб қолганидан хабар топдик. Оқибатда қишлоқнинг фаҳрига айланган анорлар гулини тўкаёзиди, анжирзорлар қақшаб ётибди. Одамларнинг арз қилмаган жойи қолмаган.

Газетамизда “Анорзорлар “фарёди” сарлавҳали мақола чоп этилган, ҳаммаси жойига тушди. Зудлик билан амалий ишга киришилди. Қишлоққа сув келди. Одамларнинг суянганини айтмайсизми?!

Бу кейинги йилларда жамиятимиз очкилик ва ошқоралик сари юз бурганининг бир ифодаси. Бир вақтлар ҳаётимизда учраб турган муаммолар, одамларни қийнаб келатган масалаларни рўйроост ёритганлар бошида қандай “ёнғоқлар қақилгани” ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз таъкидлагана



нидек, ўтган тўрт йил давомида жамиятимизда ошқоралик ва очкилик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ҳамда ишлашга аста-секин ўрганиб бораёмиз. Ҳамкасбларимизнинг матбуотда дадил чиқишларидан сўнг бошпанасиз, чорасиз қолган оилалар уйли бўлмоқда, йиллар давомида қаровсиз ётган тарихий обидалар таъмирланмоқда, ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланмоқда. Бу фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончи мустаҳкамланаётганини ҳам кўрсатади. Шу ишонч бизга куч-қувват бағишлайди.

ҲАЁТ ВА ЎЛИМ ОРАСИДА

Абдулла ҒОЗИЕВ
(Наманган вилояти):

— Ўтган йилнинг сентябрь ойида соғлиғимда кескин ўзгариш юз берди. Шифокорлар тезкорлик билан олинган синон натижасига асосланиб қоронавирусни даволашга ихтисослаштирилган марказга ётқизишди. Бундай пайтда одамнинг қўзига фақат жони кўринар экан. Ҳаёт ва ўлим орасида кечган кунларим азобини фақат ўзим биламан.

Шукрки, бугунги кун қаҳрамонлари — шифокорлар жонимга оро кирди. Шифохонадаги даволаш ускуналарининг замонавийлиги, дори-дармонлар таъминотидаги узлуксизлик, ўз вақтида кўрсатилган муолажалар қор келиб, соғлиғим кундан-кунга яхшиланди. Икки ҳафта деганда хавф бутунлай ортда қолди.

Пандемия кучайган пайтда Наманганда ҳам бир қатор шифохоналар хавфли вирусни даволашга мослаштирилиб, бу ишга фидойи мутахассислар жалб этилгани кўпчиликнинг ёдида. Давлатимиз офатни енгиш, халқимизни омон сақлаб



қолиш учун етарлича маблағ ажратди, чет эллардан зарур даволаш ускуналарини сотиб олди. Керак бўлганда хорижий мутахассислар ёрдамга чақирилди. Эндилликда вазият анча барқарорлашганидан бирмунча кўнглимиз тўқ. Бошимиздан ўтказганларимиз — давлатимизнинг ўз халқига жонқуярлиги, ҳеч бир инсонни қулфатда қолдирмаслигини яна бир қарра исботлади.

Қувонарлиси, соҳага эътибор натижасида шифокорлар ҳам ўзгармоқда. Улар ҳар хил тажрибалилардан воз кечиб, энг шарафли иш — беморлар соғлиғини тиклашни бирламчи вазифа деб билмоқда. Иш-қилиб, оқ халат соҳибларига инсоф бераётгани рост бўлсин.

Тўғри, ҳар жабҳада ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳали бор. Улар бугун тан олиниб, ечими қидирилмоқда. Муаммоларни бартараф этиш ўз қўлимизда эканини англаб турибмиз.

Энг муҳими, бугун Ўзбекистон — уйғонаётган, ўзининг бекиёс куч-қудратини намоён этиб, жаҳонда ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган мамлакат. Халқимиз — ўзлигини, қандай буюк аждоқларнинг вори-си эканини англаб, юксак марралар сари дадил одимлаётган халқ. Бу юртдошларимизнинг юқоридаги фикр-мулоҳазалари, тақдирю кечмишлари мисолида яққол намоёндр.

Зотан, Президентимиз илгари сураётган учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, аввало, фикр уйғоклигидан, тафаккурдаги янгиланишлардан бошланади.

«Халқ сўзи».



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоysi келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусахҳиҳ — Ш. Маираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6